

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
АГЕНТЛИГИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

419 Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш ва топшириш қоидалари ва давлат экспертизасини ўтказиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 30 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1168-1

(2011 йил 10 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июндаги 166-сон «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 22-23-сон, 236-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2002 йил 19 августдаги 42-сон буйруғи (2002 йил 27 август, рўйхат рақами 1168) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 15-16-сон) билан тасдиқланган Интеграл микросхемалар топологияларини рўйхатдан ўтказиш учун талабномаларни тузиш ва топшириш қоидалари ва давлат экспертизасини ўтказиш тартибига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бош директор

А. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 26 август,
36-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.